

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАРДОНОВА ФЕРУЗА БАХРОНОВА

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ
ҲАЁТИДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОЛЕРАНТЛИК
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Мардонова Феруза Бахроновна

Ўзбек халқининг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий
хаётида миллатлараро толерантлик (ижтимоий-фалсафий таҳлил) 5

Мардонова Феруза Бахроновна

Межнациональная толерантность в современной социально-
духовной жизни узбекского народа (социально-философский анализ)..... 19

Mardonova Feruza Bahronovna

International tolerance in modern socio-spiritual life of Uzbek people
(social-philosophical analysis) 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

МАРДОНОВА ФЕРУЗА БАХРОНОВА

**ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ
ҲАЁТИДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОЛЕРАНТЛИК
(ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fal.252 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида(www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худойбердиев Исматулло Эгамбердиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Хайдаров Комил Донабоевич
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

С.К.Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси фалсафа фанлари доктори, профессор

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, фалсафа доктори (PhD),
фалсафа ф.б.

С.А.Чориев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизацияси ривожланишининг ҳар қандай босқичида жамият аъзолари ўртасида миллатлараро тотувлик ва ҳамкорликни таъминлаш масаласи давлатнинг барқарор ривожланишида асосий омили ҳисобланади. Ҳозирги замон цивилизацияси ва глобал жараёнларнинг кучайиб бориши, халқаро экстремизм ва терроризм каби салбий ҳаракатлар авж олган шароитда миллатлараро тотувликка эришиш масаласи жаҳоннинг барча мамлакатлари учун долзарб бўлиб қолмоқда. Турли этнослар, синфлар, кишилар гуруҳлари ўртасида миллатлараро бағрикенгликнинг мавжудлиги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, миллий тиллари ва маданиятларини сақлаб қолиш ҳуқуқини муҳофаза қилишни тасдиқлайди, чунки у бутун жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг зарур шarti ҳисобланади.

Жаҳон фанининг ривожланишида ва шахснинг ижтимоий-ахлоқий сифатларини шакллантиришда миллатлараро толерантликнинг ўрни, унинг жамият аъзолари ўртасида ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ҳамда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг барқарор ривожланиши каби ҳозирги замон фундаментал фалсафий масалаларини тадқиқ қилиш муҳим илмий аҳамият касб этмоқда. Айниқса, маънавий глобаллашув таъсирида толерантлик тадқиқининг мураккаблашуви, мазкур ҳодиса моҳиятини таърифлашга нисбатан ёндашувларнинг методологик жиҳатдан хилма-хиллиги, замонавий жамиятда миллатлараро толерантлик намоён бўлишининг кўп қирралиги мазкур муаммонинг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири кўп миллатли ўзбек халқининг бағрикенглик маданияти ва инсонпарварлик хусусиятларини ривожлантириш, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни таъминлашдан иборат бўлиб келмоқда. “Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқдалар. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим рол ўйнамоқда”.¹ Жамиятимизда яшовчи турли миллат ва динларга эътиқод қилувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада уйғунлаштириш, глобаллашув шароитида унинг жаҳон ҳамжамиятига эркин кириб бориши, халқаро экстремизм, терроризмнинг турли шаклларида муҳофаза қилиш ҳамда миллатлараро толерантликни қарор топтириш долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2017 йил 19 майдаги 5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий

¹ Ш. М.Мирзиёев. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 15.06.2017. №7.(3456)

мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий олимлар толерантлик масаласини асосан ҳозирги замон глобал муаммолари ҳамда сиёсий мафкура сифатидаги либерализмнинг инқирози контекстида, масалан, Герберт Маркузе репрессив толерантлик тўғрисида, Джон Грей постлиберал бағрикенглик, Сьюзен Мендус Дж.Локк¹ ва Д.Уолдрон ғояларини қайта англаш сифатида кўриб чиққанлар.

МДХ мамлакатларида миллатлараро бағрикенглик мавзуси жуда кам ишланмоқда, лекин А.А.Гусейнов, А.Ф.Зотов илмий ишларида ижтимоий ва индивидуал борлиқнинг турли томонларини қамраб олган толерантлик муаммоси контекстида ижтимоий-фалсафий умумлаштириш масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. В.В.Шалиннинг² асарларида эса толерантлик маданий меъёр ва сиёсий зарурият сифатида ёритилган. Толерантлик масаласи сиёсий назариянинг асосий категорияси сифатида эса С.Г.Ильинская томонидан махсус тадқиқ қилинган.

Ўзбекистондаги халқларнинг тарихан шаклланган инсонпарварлик анъаналари, бой ижтимоий-фалсафий меросининг таъсири ҳар доим кучли бўлган. Баъзи ўзбек файласуфлари расмий мафкура доирасидан чиққанлар. Буни академик И.М.Мўминовнинг бир қатор илмий асарлари мисолида кўриш мумкин. Ўша даврлардаёқ толерантлик муаммосининг кейинги тадқиқи учун муайян концептуал-фактологик дастлабки шартлар яратилган эди. Мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистон Республикасида Б.Р.Каримов, Р.Х.Муртазаева, Қ.Н.Назаров³ ва бошқа олимлар халқ гуманистик анъаналарининг қатор жиҳатларини, маънавий кадриятлар ривожланишининг диалектикасини ўргандилар, улар билан боғлиқ бўлган толерантлик муаммосининг муайян жиҳатларига тўхталиб ўтганлар.

З.Р.Қодирова,⁴ А.Д.Шарипов, В.Р.Алиева, Ш.О.Мадаева, М.Хажиевалардан таркиб топган бир гуруҳ олимлар томонидан амалга оширилган толерантлик маданияти муаммоларининг ёшлар ижтимоий

¹Сьюзен Мендус. Локк: толерантность, мораль и рациональность. Сборник методических материалов «Толерантность в современной цивилизации». Том 1. //Философия толерантности: история и современность. — Екатеринбург, 2007. С.54.

²В.В. Шалин. Толерантность (культурная норма и политическая необходимость). — Ростов-на-Дону, 2000. — С.198.

³Б.Р. Каримов. Ёшлар толерантлиги ва фаоллигининг ижтимоий-фалсафий таҳлили //«Ижтимоий фикр». — №3. — 2007.

⁴З.Р. Кадырова, А.Д. Шарипов, В.Р. Алиева, Толлерантлик маданияти — давр тақозоси. —Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти. — Б. 95

фаоллиги ва толерантлигининг махсус тадқиқи толерантликни маънавий-ахлоқий ҳодиса сифатида ишлаб чиқилишида муҳим концептуал-методологик аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда толерантлик муаммосининг бошқа ижтимоий жиҳатлари, хусусан, миллатлараро муносабатлар контекстида, экстремизм ва терроризмнинг кескинлашуви контекстида толерантлик масалаларига бағишланган махсус тадқиқотлар Н.О.Сафарова¹, Адиб Ҳолид, Қ.П.Қобуловлар томонидан амалга оширилган.

Юқорида кўрсатилган илмий ишлар тадқиқотнинг методологик таъминотига жиддий ҳисса қўшган: биринчидан, мазкур тадқиқотларда “миллатлараро толерантлик” ҳодисаси моҳиятини очиб бериш имконини берувчи баъзи илмий-назарий, тарихий-фалсафий таҳлиллар келтирилган; иккинчидан, миллатлараро толерантлик масаласи Ўзбекистоннинг ҳозирги замон ижтимоий-манавий ҳаётида ўзбек халқининг ижтимоий-ахлоқий ривожланишининг муҳим омили сифатида бугунги кунгача махсус тадқиқ қилинмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 2017-2019 йилларга мўлжалланган ИЖ 10-18 рақамли “Навоий вилояти чўл ҳудудлари маҳаллий аҳолисининг муқаддас қадамжолари тарихи ва улар билан боғлиқ ривоятлар” мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек халқининг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий ҳаётида миллатлараро толерантликнинг концептуал-методологик асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“миллатлараро толерантлик” тушунчаси, унинг ўзбек халқида намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари юзасидан концептуал-методологик таҳлилининг амалга ошириш;

миллатлараро толерантлик жараёнининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий меросидаги миллатлараро толерантлик ҳақидаги концепцияларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

ҳозирги замон миллатлараро толерантликнинг ривожланишида анъанавий, инсонпарвар қадриятлар ва урф-одатлар аҳамиятини очиб бериш;

“Ҳаракатлар стратегияси” контекстидаги толерантлик асосида ёшлар маънавий ривожланишини таҳлил қилиш;

миллатлараро толерантлик асосида Ўзбекистон ижтимоий-ахлоқий воқелигининг асосий йўналишлари ва тамойилларини аниқлаш;

Ўзбекистонда миллатлараро толерантликни тарғиб қилиш ва тартибга солиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

¹ Н.О.Сафарова. Терроризмга қарши курашнинг тарихий-фалсафий таҳлили. Дис....фалсафа ф.д. — Т., 2011.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек халқининг миллатлараро толерантлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ўзбек халқининг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий ҳаётида миллатлараро толерантликнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий билишнинг қиёсий солиштириш, анализ ва синтез, тарихийлик ва мантиқийлик, контент анализ, манбалар таҳлили сингари усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“толерантлик” категориясининг инсонпарварлик, адолат, ҳамкорлик, саҳоват сингари гуманистик хусусиятлари миллий ва умуминсоний манфаатларни мувофиқлаштирувчи, бирлаштирувчи, муроСага келтирувчи, барқарорлаштирувчи функциялари воситасида такомиллаштирилган;

ўзбек халқининг миллатлараро толерантлигида “манфаатлар уйғунлиги”, “муқобиллик”, “тенглик”, “жамоавийлик”, “ижтимоий адолат” сингари конструктив (бирлаштирувчи, етакловчи ва уюштирувчи) тамойиллари мамлакат барқарор тараққиётини таъминлаш омили эканлиги миллий кадриятлар ракурсидан асосланган;

ўзбек халқининг миллатлараро толерантлигида “мувофиқлаштирувчи”, “системалаштирувчи”, “тартибга солувчи” ва “интеграцияловчи” функциялари ҳозирги замон ёшларининг ижтимоий-ахлоқий хусусиятларини ривожлантиришда муҳим тарбиявий омил эканлиги шахснинг имманент хусусиятларидаги (дунёқараши, кадрият мўлжаллари, идеаллари) ўзгаришлар асосида исботланган;

глобаллашув шароитида миллатлараро ва конфессиялараро толерантликни юксалтиришда миллий ва умуминсоний хусусиятларга хос муроСа, халқаро ҳамкорлик, ижтимоий шериклик каби белгиларининг конструктивистик (давлат имкониятларидан фойдаланишга урғу бериш), ойкуминистик (туркий халқларни ягона инфорМацион майдонга бирлаштириш) сингари субстанционал моҳияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллатлараро толерантлик тушунчасининг генезиси ва ривожланиш босқичлари, шунингдек, ушбу тушунчанинг миллий ўзига хос хусусиятлар нуқтаи назардан ўзгариши ёритиб берилган;

Форобий, Беруний, Навоий, Хожа Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Румий каби мутафаккирлар асарларида халқлар дўстлиги ва ҳамжиҳатлигига оид фалсафий қарашлари миллатлараро толерантлик нуқтаи назардан асосланган;

“миллатлараро толерантлик” тушунчасининг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқилган, «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»га мос барқарор ривожланишининг концепциялари сифатида асослаб берилган;

тадқиқот ишида ўзбек халқининг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий ҳаётида миллатлараро толерантликнинг шаклланишига таъсир қилувчи кадриятлардан амалиётда кенг фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Халқаро ва республика аҳамиятига эга илмий конференцияларда эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси тавсия этган ихтисослаштирилган журналларда чоп этилган мақолалар, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги тўғрисида тегишли ташкилотлардан олинган хулосалар билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертациядаги умумлашма ва хулосалардан жамиятнинг, шу жумладан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши ҳамда ушбу жараёнда миллатлараро толерантликни ахлоқий ҳодиса сифатидаги ўрни билан боғлиқ муаммоларнинг ўрганилишида қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижаларидан “Маънавият ва маърифат” марказлари амалиётида, “Ёшлар иттифоқи” ёшлар ҳаракати томонидан аҳоли ўртасида маданий-маърифий чора-тадбирларни ўтказишда, таълим муассасалари учун ўқув-методик қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек халқининг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий ҳаётида миллатлараро толерантликнинг аҳамияти бўйича ишлаб чиқилган тавсия ва таклифлар асосида:

“толерантлик” категориясининг классик, ноқлассик ва постноқлассик фанлардаги гуманистик хусусиятлари (инсонийлик, бирдамлик) “бағрикенглик”, “ҳамжиҳатлик”, “миллатлараро тотувлик” тушунчалари контекстида очиб берилганлигига оид назарий ғоя ва амалий аҳамиятга эга таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон Миллий университетда 2015-2017 йилларда бажарилган “Демократик ислохотларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишнинг назарий-методологик асослари” мавзусидаги А-1-163-сонли грант лойиҳасининг учинчи босқичи “Тараққиёт модели—ривожланиш ва ислохотлар жараёнининг асоси”, деб номланган бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-03-3500-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз аҳолиси ўртасида ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик, Ватанга муҳаббат сингари туйғуларнинг янада ошишига ва миллатлараро толерантликни таъминлаш орқали соҳада олиб борилаётган илмий изланишларнинг салоҳиятини ошишига хизмат қилган;

ўзбек халқининг миллатлараро толерантлигида “манфаатлар уйғунлиги”, “муқобиллик”, “тенглик”, “жамоавийлик”, “ижтимоий адолат” сингари конструктив (бирлаштирувчи, етакловчи ва уюштирувчи) тамойиллари мамлакатимиз барқарор тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили эканлиги, миллий кадриятлар орқали асослаб берилганлигига оид фикр-мулоҳазалари ва таклиф-тавсияларидан “Бедорлик”, “Миллат ва маънавият” номли махсус эшиттиришларнинг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2019 йил 8 октябрдаги ОЕИР-S-175-сон маълумотномаси). Натижада, миллатлараро

толерантликни ривожлантиришга доир илмий, амалий ва методологик ғоялар кенг жамоатчиликка трансформациялаш мақсад қилиб олинган ва бу мақсадга эришилган;

Ўзбек халқининг миллатлараро толерантлигида “мувофиқлаштирувчи”, “системалаштирувчи”, “тартибга солувчи” ва “интеграцияловчи” функцияларининг сифатий ўзгариши ёшларни ижтимоий-ахлоқий хусусиятларини ривожлантириш омили эканлиги даврнинг имманент хусусиятлари (дунёқараши, қадрият мўлжаллари, идеаллари) асосида исботлаб берилганлигига оид илмий-назарий ғоялари, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан 2019 йил март-июнь ойларида Республика миқёсида ўтказилган “Ўзбекистон—миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик юрти» мавзусидаги дастур сценарийсини тайёрлашда ва унинг ижросини таъминлашда самарали фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 16 сентябрдаги 04-13/4225-сон маълумотномаси). Натижада, мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида миллатлараро толерантликни ҳис қилишга, бағрикенглик кайфиятини оширишга ва дўстликнинг мусаффолигига тўғри ёндаша оладиган чинакам содиқ ёшларни тарбиялашга хизмат қилаган;

глобаллашув шароитида миллатлараро ва конфессиялараро толерантликни юксалтиришда миллий ва умуминсоний хусусиятларга хос муроса, халқаро ҳамкорлик, ижтимоий шериклик каби белгиларнинг субстанционал моҳиятига оид конструктив ғоялари ва илмий хулосаларидан Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаси кўмитаси томонидан 2019 йил 26 сентябрда ўтказилган “Миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган конференция сценарийсини тайёрлашда ва унинг ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаси кўмитасининг 2019 йил 10 октябрдаги 01-09-1764-сон маълумотномаси). Натижада, кўп миллатли республикаимиз аҳолисининг маданиятлараро алоқасини кучайтириш, ўзаро ҳамжихатлигини таъминлаш ва миллатлараро тотувликни янада юксалтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида муҳокама қилинган, шулардан 5 таси халқаро, 3 таси республика миқёсидаги анжуманларда ва хорижий журналда 1 та мақола.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола (жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг **“Миллатлараро толерантлик ва унинг ўзбек халқи ижтимоий-ахлоқий тараққиётига таъсири”**, деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат. Мазкур бобнинг **“Миллатлараро толерантлик тушунчасининг концептуал таҳлили”** номли биринчи параграфида **“миллат”, “толерантлик”, “миллатлараро толерантлик”** тушунчалари ва улар намоён бўлишининг концептуал-методологик таҳлили берилган.

Ўзбек тилида **“толерантлик”**нинг ягона маънодош сўзи мавжуд эмас. Ўзбек халқининг толерантлиги ирқий, этник, ижтимоий мансублигидан қатъий назар инсонларга, халқларга ҳайрихоҳлик билдириш, яхшилик исташдан иборат. З.Р.Қодирова Шарқ тилларидаги **“толерантлик”**нинг бир қатор терминологик ўхшашликларига эътиборни қаратади. **“Толерантлик”, “миллатлараро толерантлик”** тушунчалари маъносини очиб беришда миллат концепциясини четлаб ўтиб бўлмайди. **“Миллат”** тушунчаси талқинининг асосида бир неча концепциялар ётади, булар: примордиалистик ёндашув, миллатнинг Гумилёв томонидан ишлаб чиқилган концепцияси, шунингдек, инструменталистик, ойкуменистик, конструктивистик концепцияларидир. Мазкур концепцияларни таҳлил қилиб, муаллиф тадқиқ қилинаётган муаммога яқинроқ турганлиги сабабли ойкуменистик назарияга қўшилади. Айни ўрта турк тили турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги мулоқот тили бўлиб хизмат қилади, у миллатлараро муносабатларни ўрнатишнинг ажойиб имконини яратиш беради.

Р.Х.Муртазаева, З.Р.Қодирова, Ш.О.Мадаева каби мамлакатимиз олималарининг назарий таҳлиллари ва немис мумтоз, француз, Уйғониш даври фалсафаси тадқиқот натижалари ўзбек халқи менталитетига яқин бўлган толерантликни таърифлаш имконини берди. Ш.О.Мадаева Ўзбекистон анъанавий жамиятининг Ғарб дунёсидан ўзига хос менталлик муҳити ва стереотиплари билан фарқ қилувчи Шарқнинг бир қисми сифатидаги ўзига хослигини очиш берган. Ғарб ва Шарқ толерантлик тушунчаси талқинига турлича ёндашадилар. Замонавий Ғарб мамлакатлари вакиллари нафақат анъанавий бўлмаган кўринишга, турлича қарашлар ва

этикодларга эга одамларга, балки ноанъанавий ориентацияга эга одамларга ҳам сабр-тоқатли бўлишга даъват этади.

Мазкур бобнинг **“Марказий Осиё мутафаккирлари маънавий меросида миллатлараро толерантлик ғоясининг тараққиёти”**, деб номланган иккинчи параграфи ўрта асрлар Марказий Осиё ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихида халқаро тотувлик ва ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик ва ўзаро ишонч, турли динга этикод қилувчи мамлакатлар халқлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликка интилиш орқали диний мутаассиблик ва адоватга қарши ғоявий жиҳатдан муваффақиятли кураш олиб борилганидан гувоҳлик беради.

Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий-фалсафий қарашларида диний бағрикенглик ғоялари ниҳоятда улуғланган. Буюк мутафаккир Ғазоллийнинг фикрига кўра, оқил кишилар учун ер умумий хонадондир, фақат жохилларгина у сеники деса, бу меники деб талашадилар. Жаллолиддин Румий динларга олиб борувчи йулар турфа, мақсадлар эса муштаракдир, дея уз мелиористик қарашларини ривожлантирди.

Юқорида қайд қилинган бой маънавий меросимиз ғояларининг республикамиз фуқаролари онгига сингдирилиши кўп миллатли мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади, шунингдек, ақидапарастлик ва экстремизм ғоялари билан халқ онгини заҳарлашга ҳаракат қилаётган фитначи террористик гуруҳларга қарши курашда катта ғоявий-сиёсий аҳамият касб этади. Бу жиҳатдан Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг қуйидаги фикрлари диққатга сазовор: «Бугунги кунда ён-атрофимизда “диний экстремизм”, “терроризм”, “гиёҳвандлик”, “одам савдоси”, “ноқонуний миграция”, “оммавий маданият” каби бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу сўзларнинг чуқур маъноси ва аҳамияти янада аён бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда»¹. Мутафаккирлар ғоялари кўплаб миллат ва элат вакиллари ҳамда турли динларга мансуб халқларга бошпана берган мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга.

Марказий Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётини тартибга солган қадимги анъаналар кейинги Уйғониш даврида Румий, Давоний, Жомий каби мутафаккирлар ижодида акс эттирилган. Улар ўша даврда юзага келган турли ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий шарт-шароитлар таъсирида инсонлар жамоасининг пайдо бўлиши тўғрисидаги аждодларимиз ғояларини янгича талқин қилиб, аввало, урушларни, халқларни қиришни, динларнинг бир-бирига қарши туришини, кишилар ўртасидаги низолар ва баҳсларни тўхтатиш кераклигини тарғиб этганлар, шунингдек, улар ажойиб бадиий образлар ва намуналар орқали ҳамдўстлик, тотувлик, инсонлар ўртасидаги муроса, келишишга асосланган

¹ Ш.М.Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. — Тошкент: Ўзбекистон — 2017. — Б.44.

жамиятни тавсифлаб берганлар, унда низолар ва душманлик тўхтатилиб, ижтимоий адолат ҳукм сурган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистоннинг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий ҳаётида миллатлараро толерантликни таъминлашнинг фалсафий-методологик асослари”**, деб номланган иккинчи боби икки параграфдан иборат. **“Ўзбекистонда миллатлараро толерантлик феномени контекстида ижтимоий-маънавий воқеликнинг фалсафий-методологик талқини”** номли биринчи параграфидида миллатлараро толерантликнинг билиш жараёнидаги методологик роли, унинг мазмуни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни, геосиёсий мавқеининг тубдан ўзгариши, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва ахборот-коммуникация соҳаларидаги ўзгаришлар замонавий дунёнинг глобал ва худудий жараёнларига уйғун тарзда қўшилган. Булар кўп миллатли худуд шароитида таълим тизими вазифаларидан бири миллатлараро мулоқотнинг меъёрлари, намуналарини кўп миллатли мамлакатимизда шакллантиришдан иборат эканлиги билан тавсифланган.

Президентимиз Ш.М. Мирзиёев томонидан кун тартибига қўйилган салбий маънавий-ижтимоий оқибатларни бартараф қилиш, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити мавжуд бўлсагина ҳамкорликда ҳаракат қилишни талаб қилувчи сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш вазифаси жаҳон ҳамжамиятининг миллатлараро толерантлик муаммоларига қизиқишини янада орттирмоқда. Шунинг учун жамиятимиз ривожланиши жараёнида урф-одатлар ва анъаналар соҳаси кенгайиб бормоқда, унга янги ижтимоий муносабатлар қўшилиб бормоқда. Мустақиллик йилларида республикаимизда диний таълим янги сифат даражасига кўтарилди, унинг тўлақонли тизими шакллантирилди, у бошқа муҳим вазифаларни бажариш билан бирга, диннинг қудратли маънавий-ахлоқий салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, ўзбек халқида ҳозирги замон толерантликни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши, Президент Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда Ислом цивилизацияси марказининг ташкил қилиниши, дин соҳасида таълим тизимининг ўзгартирилиши каби жараёнлар юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Иккинчи бобнинг **“Миллатлараро толерантликка асосланган Ўзбекистоннинг ижтимоий-ахлоқий воқелиги”**, деб номланган иккинчи параграфидида Ўзбекистонда миллатлараро сиёсат мамлакатда барқарорлик ва тинчликни тартибга солишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши кўриб чиқилган. Мустақилликнинг илк кунларидаёқ, давлатимиз олдида ўзининг ўзига хос ва мос давлат бошқарув тизимини яратиш масаласи кун тартибидаги асосий масаласига айлантирилди. Бунинг натижасида бир қатор қонун лойиҳалари тайёрланди ва халқ муҳокамасига қўйилди. Шу

билан бирга, маданиятлараро интеграциялашув ҳамда миллатлар жипслигини таъминлаш, Ўзбекистоннинг кўп миллатли ва кўп элатли давлатга айланиши учун асосий илк қадам ташланди. Бутун Марказий Осиё буйича аҳолининг барча қатламларини ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий шаклланишини бирга уйғун тарзда қўшиб олиб борувчи давлатимиз ички ва ташқи сиёсати мазкур жараённинг ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-ахлоқий мазмунида толерантлик омилининг амалга оширилишига ёрдам беради.

Миллатлараро муносабатларни шакллантиришда миллий маданий марказлар тармоғи, улар фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси мувофиқлаштиради.

Диссертациянинг **“Миллатлараро толерантлик ўзбек халқининг ижтимоий - маънавий ривожланишининг асосий омили сифатида”**, деб номланган учинчи боби икки параграфдан иборат. **“Миллатлараро толерантлик контекстида ўзбек халқининг ижтимоий-маънавий ривожлантиришининг асосий йўналиш ва тамойиллари”**, деб номланган биринчи параграфда фуқаролик жамиятининг қадрияти ва меъёри, ўзбек халқининг ижтимоий-ахлоқий ривожланиши омили сифатидаги толерантлик жамият аъзолари ўртасидаги тенглик ҳуқуқи, улар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш, жаҳон маданиятлари, цивилизациялари, халқларининг хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, ташқи кўриниши, тиллари, эътиқодлари, урф-одатлари ва динлари билан фарқланувчи кишиларни тушуниш ва улар билан ҳамкорлик қилишга тайёрликда намоён бўлиши ва ёшлар ижтимоий фаоллигининг маънавий-ахлоқий жиҳатлари билан чамбарчас боғлиқлиги таҳлил қилинган.

Миллатлараро толерантликнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида таълим-тарбия жараёнида. “Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи бандидан фойдаланиш зарур. “Ҳаракатлар стратегияси” ёшларни тарбиялашнинг янги ижтимоий давлат тизимини шакллантириш заруриятини кўзда тутди, у ёшларнинг ижтимоийлашишини, юқори даражали фуқароликни, ватанпарварликни, қонунларга ҳурмат руҳида тарбияланишини таъминлайди. Мазкур “Стратегия” экстремизм, миллатчилик мафкурасига, ксенофобия, ижтимоий келиб чиқиши, дини, ирки, миллатининг камситилиши, дискриминация этилишига ва бошқа салбий ижтимоий ҳодисаларга қарши туриш имконини берувчи шахс ахлоқий сифатларининг шаклланишини кўзда тутди.

Буларга эришиш мақсадида ёшларда толерантликка тегишли онг ва хулқни шакллантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан мазкур жараёнда субъектив ёндашув, адекватлик, индивидуаллаштириш, рефлексив нуқтаи назар, толерантлик муҳитини яратиш, ёшларга тегишли ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш каби ёшларни толерантлик контекстида

ижтимоий-ахлоқий ривожлантириш тамойиллари қанчалик муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқ.

Мазкур бобнинг “Ўзбекистоннинг ҳозирги замон ижтимоий-маънавий ҳаётида миллатлараро толерантликни таъминлаш муаммолари ва ечимлари” номли иккинчи параграфи ҳозирги вақтда жаҳон ижтимоий фикрининг глобал муаммоларидан бирига айланган миллатлараро толерантлик муаммосига бағишланган. Ҳар қандай муаммо сингари миллатлараро толерантлик муаммоси ҳам одамларнинг муайян тажрибасида етилади, у реал қизиқиш таъсиридагина кўп қиррали мазкур тажриба доирасида ҳал қилиниши мумкин. Бунда глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётни алоҳидалик, хусусийлик ва умумийлик фалсафий категориялари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, яъни уларни мазмунан маҳаллий, миллий, минтақавий, халқаро ёки глобал даражаларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш уларнинг ривожланиш тенденцияларини аниқлаш имконини беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, халқимизнинг маънавий-тарихий анъаналари ҳозирги замон Ўзбекистон ижтимоий воқелигини шакллантиришда муҳим роль уйнайди ҳамда миллатлараро толерантлик, унинг миллий ва умуминсоний ўзига хос хусусиятларининг таркиб топишида, ижтимоий-ахлоқий жараёндаги энг муҳим назарий-методологик жиҳатлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда ҳозирги замонда миллатлараро толерантлик муаммосига нисбатан янги ёндашувлар, унинг кенгайиб бораётган умуминсоний, минтақавий ва миллий ижтимоий-маънавий жараёнлар билан уйғун боғлиқлиги, мазкур ҳодисанинг шаклланиши ва ривожланишининг таҳлили билан боғлиқ бир қатор назарий-методологик муаммоларни кўриб чиқишни тақозо қилади. Ўзбек халқининг миллатлараро толерантлигининг шакллантирилишида миллий маданий марказлар, Ўзбекистон Республикасининг миллий кутубхоналари, оила, маҳалла, муқаддас динимиз муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда ташкил қилинган турли миллий марказлар ва жамиятлар фаолияти миллий анъаналар, урф-одатларни тиклаш, маънавият ва маданиятни ривожлантириш, миллатлараро муносабатларини уйғунлаштиришга қаратилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, тинч, фаровон яшаш, инсонларни ҳамжиҳатликка чорлаш, бирдамлик ва барқарорликда яшаш ғояси неча асрлардан буён ўз умумбашарий аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Буюк аجدодларимиз маънавий меросини асраш, уларнинг эзгуликка йўғрилган ғояларига эргашиш ва ўсиб келаётган ёш авлодларни ватанпарварлик, моддий ва маънавий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги кунда барчамизнинг олдимизда турган энг устувор масалалардан биридир.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида куйидаги хулосаларга келинди:

1. «Миллатлараро толерантлик» тушунчаси ҳис-туйғулар, қонун ва анъаналарда ўз аксини топган ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар, шунингдек, ўзга динга эътиқод қилувчи, ирқи, ижтимоий мавқеи турлича бўлган кишиларга нисбатан тоқатли бўлишни тақозо қилган хулқ-атвор йўналишларини билдиради. Шунингдек, миллатлараро толерантлик бугунги кунда турли маданиятлар, динлар, ирқларидан қатъий назар ўзга дин вакилларининг бирлашиб, бир бутунликни ташкил қилишнинг асосий омили сифатида эътироф қилинган.

2. Тадқиқотнинг муҳим натижаларидан бири миллатлараро толерантлик ҳодисасининг хилма-хил мазмунида унинг ахлоқий ҳодиса сифатидаги алоҳида аҳамиятининг ажратилганлиги бўлиб, у, бир томондан, бошқа ахлоқий категориялар ва тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ, иккинчи томондан эса, ахлоқий таъсирининг жиддий ўзига хос хусусиятларига эга эканлиги, уни асосий ҳозирги замон ахлоқий категориялардан бири сифатида кўриш имконини беради. Бу ҳол ундан ҳам глобал, ҳам миллий миқёсда назарий ва амалий жиҳатлардан фойдаланиш тажрибаси билан тасдиқланган.

3. Турли этнослар, синфлар, кишилар гуруҳлари ўртасида миллатлараро толерантликнинг мавжудлиги ўз манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, миллий маданият ва тилнинг сақланиб келиши билан тасдиқланади, чунки у бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг зарур шарти этиб белгиланган.

4. Кўп миллатли жамият шароитида давлат олдида турган долзарб вазифа маънавий қадриятларни шакллантириш, ёшларни толерантлик руҳида тарбиялаш, ирқий, этник, диний камситилиш ва бошқа ижтимоий ҳодисаларга қарши туриш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

5. Бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли динлар вакиллари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, бу соҳадаги фаолият изчил ривожланмоқда. Буларнинг ҳаммасига халқимиз онгига толерантлик, мурувват, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, билим орттиришга интилиш ва маданий меросни авайлаб сақлаш каби динга тегишли тушунчаларни сингдириш бўйича улкан ишлар туфайли эришилган.

6. Ижтимоий-фалсафий мероснинг тарбиявий-ахлоқий таъсирини алоҳида самарадорлиги унинг миллий менталитет, миллий онг, тафаккур тарзига моҳиятан яқинлиги ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги, улар ривожланиши ҳамда ўзаро таъсирининг бирга қўшилганлиги, бутун маънавий мероснинг замонавий ижтимоий-маданий қайта ўзгартириш жараёнига ҳар томонлама қўшилганлиги билан белгиланган.

7. Мамлакатимизда миллатлараро ва динлараро толерантлик шундай даражадаги уйғунликка эришган бўлиб, у ўзбек халқининг ижтимоий-ахлоқий ривожланишининг энг асосий самарадор омилларидан бири сифатида ифодаланган.

8. Толерантлик ва у билан боғлиқ бўлган ўзбек халқининг ижтимоий-ахлоқий жиҳатдан камол топишининг омили сифатидаги конструктив ижтимоий фаоллиги ушбу жараёнда эзгулик, эркинликка интилиш, адолат, бурч, виждон, бахт, инсонга меҳр-муҳаббат каби кўплаб ахлоқий қадриятларнинг янада ривожланишига самарали ёрдам беради.

9. Табақаланиш, кичик этник гуруҳлар, ақидапарастликка берилганлик, “оммавий маданият” нинг салбий таъсири остига тушиб қолиш билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш учун асосан давлат масъул эканлиги мазкур тадқиқот ишида асослаб берилган.

10. Ўзбекистон демократик жамиятида ўзбек халқининг толерантлик доирасида ижтимоий-ахлоқий ривожланишни шакллантиришда миллий маданий марказлар, миллий кутубхоналар, дин, шунингдек, оила, маҳалла ва таълим тизими каби ижтимоий институтларнинг муҳим аҳамият касб этиши илмий таҳлиллар мисолида ёритилган.

Ўзбек халқининг ижтимоий-ахлоқий ривожланишида миллатлараро толерантлик тамойилларини концептуал-назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида қуйидаги тавсиялар илгари сурилмоқда:

1. Халқаро ҳамжиҳатлик ва диний толерантлик воситасида диний ақидапарастлик ва терроризмга қарши муваффақиятли курашдан далолат берувчи Марказий Осиёнинг ижтимоий-фалсафий фикрини акс эттирадиган веб-саҳифа ва ҳар ҳафтада эфирга узатиладиган илмий-оммабоп фильмларни яратиш зарур. Мазкур веб-саҳифада қуйидаги мавзуларни акс эттирувчи бўлимлар бўлиши лозим:

ислом дини қадриятлари—Қуръони Карим, ҳадислардан диний толерантликка оид мисоллар келтирилиши;

Ўрта асрлар Марказий Осиё мутафаккирлари маънавий меросидаги диний толерантлик ва миллатлараро дўстлик муносабатлари ҳақидаги ғояларнинг таҳлили билан қўшилган хрестоматик маълумотлар.

2. Миллатлараро толерантлик шаклланишининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўтмишдаги илм-фан арбобларининг дурдона асарларини катта адади билан нашр қилиш.

3. Ўзбек халқи миллатлараро толерантлигини шакллантириш бўйича умумилмий дастурини (“Қадрлар тайёрлаш миллий дастури” сингари) ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

4. Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида ўқитувчилар касбий малакасини такомиллаштириш жараёнида толерантлик контекстида ёшларни ижтимоий-ахлоқий ривожланишига тегишли билимларини кенгайтириш мақсадида тренинглари, ролли ўйинларни ташкил қилиш фойдали бўлади;

5. Ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий-ахлоқий ривожланишини илмий-методик жиҳатдан асослаб бериш, мазкур жараённинг самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур масала бўйича ўқув қўлланма (ўқитувчилар, талабалар, таълим олувчилар учун) яратиш зарур.

6. ОАВ ходимлари жамиятнинг барча гуруҳлари ва қатламлари ўртасида миллатлараро толерантликнинг ижтимоий-ахлоқий мазмунини ва унинг шахс

ривожланишидаги аҳамиятини тушунтириш ва тарғиб қилишни кенгайтириши лозим.

7. ОАВ ходимлари ёшларга тегишли мавзуларни, ёшга оид хусусиятларни ҳамда турли гуруҳларнинг ижтимоий-касбий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда, кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади, бундай материалларни тайёрлашда ёшлар томонидан жамият ва шахс ҳаётининг барча соҳаларида толерантлик ва ижтимоий фаолликнинг намоён қилинишига алоҳида эътибор бериш даркор.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МАРДОНОВА ФЕРУЗА БАХРОНОВНА

**МЕЖНАЦИОНАЛЬНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ В СОВРЕМЕННОЙ
СОЦИАЛЬНО-ДУХОВНОЙ ЖИЗНИ УЗБЕКСКОГО НАРОДА
(СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ)**

09.00.04 - Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд - 2020

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.4.PhD/Fal.252.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziyounet.uz) информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель:

Сафарова Нигора Олимовна
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Худойбердиев Исматулло Эгамбердиевич
доктор философских наук, профессор

Хайдаров Комил Донабоевич
кандидат философских наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный институт иностранных языков

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета № DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в ___ часов «___» _____ 2020 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская аллея, 15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под № ___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 г.
(Протокол № ___ от «___» _____ 2020г.)

С.К. Каримов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.философии (PhD) по философским наукам

С.А.Чориев

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На любом этапе развития мировой цивилизации вопрос обеспечения межнационального согласия и сотрудничества между членами общества является основным фактором стабильного развития государства. В условиях современной цивилизации и усиления глобальных процессов, разгула таких негативных движений, как международный экстремизм и терроризм, вопрос достижения межнационального согласия остаётся актуальным для всех стран мира. Наличие межнациональной толерантности среди различных этносов, классов, групп людей подтверждает защиту прав народов на национальное самоопределение, на сохранение родных языков и национальных культур, так как оно является необходимым условием сохранения мира и стабильности во всём мире.

В развитии мировой науки и в формировании социально-нравственных качеств личности важное научное значение имеет исследование таких современных фундаментальных философских вопросов, как место межнациональной толерантности, её значение в регулировании социальных отношений между членами общества и стабильное развитие демократического правового государства и гражданского общества. Особенно, под влиянием глобализации духовности, сложность исследования толерантности, обусловленная методологическим разнообразием подходов к определению сущности данного феномена, многосторонностью проявлений межнациональной толерантности в современном обществе, предусматривает совершенствование концептуальных основ данной проблемы.

Одним из важных приоритетных направлений реформ, осуществляемых в нашей стране, является развитие культуры толерантности и свойств гуманизма многонационального узбекского народа, обеспечение между гражданами сотрудничества и содружества. «В настоящее время, как единая семья, в стране проживают в дружбе и согласии представители более 130 наций и народностей. В этом, несомненно, важную роль играют традиции толерантности, свойственные нашему народу»¹. Дальнейшая гармонизация прав и интересов представителей разных национальностей и конфессий, проживающих в нашем обществе, их свободная интеграция в мировом сообществе в условиях глобализации, свободное вхождение его в мировое сообщество, защита от различных форм международного экстремизма и терроризма, установление межнациональной толерантности становятся актуальной задачей.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям» от 7 февраля 2017 года, УП-5046 «О мерах по дальнейшему совершенствованию межнациональных

¹ Ш..М. Мирзиёев. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи// Халқ сўзи, 15.06.2017. №7.(3456).

отношений и дружественных связей с зарубежными странами» от 19 мая 2017 года, а также и других нормативно-правовых актов.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологии республики I. «Формирование и пути реализации системы социальных, правовых, экономических, инновационных идей информационного общества и демократического государства».

Степень разработанности проблемы. Зарубежные ученые рассматривают толерантность, в основном, в контексте глобальных проблем современности и кризиса либерализма как политической идеологии; например, Герберт Маркузе переосмысливает идею репрессивной толерантности, Джон Грей — постлиберальной толерантности, Сьюзен Мендус¹ — идеи Дж. Локка и Д. Уолдрона.

В СНГ тема межнациональной толерантности разрабатывается довольно скупо, но социально-философские обобщения в контексте проблемы толерантности, охватывающие разные стороны социального и индивидуального бытия, содержатся в работах А.А. Гусейнова, А.Ф. Зотова. В исследованиях В.В. Шалина² толерантность освещена в качестве культурной нормы и политической необходимости. Вопрос толерантности в качестве основной категории политической теории специально исследован С.Г. Ильинской.

В Узбекистане влияние исторически сложившихся гуманистических традиций народов, богатого общественно-философского наследия, было всегда велико. Некоторые отечественные философы в прошлом выходили за рамки официальной идеологии. Это можно проиллюстрировать на примере ряда трудов академика И.М. Муминова. Уже в то время возникли определённые концептуально-фактологические предпосылки для последующего изучения проблемы толерантности. После обретения независимости известные в Республике Узбекистан учёные Б.Р.Каримов,³ Р.Х.Муртазаева, К.Н.Назаров и другие изучали ряд аспектов гуманистических традиций народа, диалектику развития духовных ценностей и, так или иначе, затрагивали связанные с ними определённые аспекты проблемы толерантности.

Важное концептуально-методологическое значение для разработки проблемы толерантности как духовно-нравственного феномена имеют специальные исследования по культуре толерантности, повышении социальной активности и толерантности молодёжи, осуществлённые в

¹ Сьюзен Мендус. Локк: толерантность, мораль и рациональность. Сборник методических материалов «Толерантность в современной цивилизации». Том 1. //Философия толерантности: история и современность. — Екатеринбург, 2007. — С.54.

² В.В. Шалин. Толерантность (культурная норма и политическая необходимость). — Ростов-на-Дону, 2000. — С. 198.

³ Б.Р. Каримов. Ёшлар толерантлиги ва фаоллигининг ижтимоий-фалсафий тахлили //«Ижтимоий фикр». — №3. — 2007.

работах группы учёных З.Р.Кадыровой,¹ Алиева В.Р., А.Д.Шарипова, Ш.О.Мадаевой, М.Хаджиевой.

За последние годы Н.О. Сафаровой², Адибом Халидом, К.П. Кабуловым были осуществлены специальные исследования, посвященные другим социальным аспектам проблемы толерантности, в частности, обострения экстремизма и терроризма в контексте межнациональных отношений.

